



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 25-may, chorshanba

№ 21 (980)

1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.uzhurriyat.uz

"ИНТЕРНЕТ МИЯМИЗНИ ҚАЙ ТАРЗДА ЎЗГАРТИРДИ?"

Инсон миёнасининг таркиби тахминан қуйидагича: 78 фоиз сув, 15 фоиз ёғлар, қолгани эса оксиллар, калий гидрати ва тузидир. Унинг тузилиши ва фаолияти Ер юзидagi мавжудотларнинг бирортасига ўхшамайди.



➔ 4-бет

ИСТЕЪДОДНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Тўртинчи китобини нашрга тайёрлаётган шоирнинг мисралари жуда жўн. Муаллифнинг айтишича, китоблар чоп этиш унга танловларнинг ғолиби бўлиш учун керак. Аммо савиясиз тўпламларни қайси китобхон муролаа қилади? Ижодкор ўз асарининг чанг босиб ётишидан, мухлисларни бездиришидан, наҳотки, изтиробга тушмаса?



➔ 6-бет

ЧУМОЛИ ВА БОЛАРИ

Одатда эртақлар бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда деб бошланади. Болажонлар уни мириқиб ўқиб, олам-олам завқ олишади. Мен эса бугун катталар учун эртақ ёздим. У сиз билан биз яшаб турган замонда Самеҳ ака деган паҳлавон бор экан, деб бошланади.



➔ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Болгария Республикаси Бош вазири Бойко Борисовни қабул қилди.

20 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Анни қабул қилди.

23 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

21 май куни Қорақалпоғистон Республикасида, Сурғил кони негизда барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуасининг расмий очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) раислиги доирасида жорий йилнинг 23-24 май кунлари Тошкент шаҳрида ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари кечагининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

"Ўзэкспомарказ" мажмуида "Ўзбекистон нефть ва газ — OGU—2016" халқаро кўргазмаси очилди.

Жойларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизгин давом этмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Оила» илмий-амалий маркази ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида «Оила институти ва оила қадриятларининг ривожланиш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.



"HURRIYAT" gazetasi
Ўзбекистон ҳаво йуллари" миллий
авиакомпанияси самолётларида ҳам
ёўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



ФАРҒОНАДА ЁШЛИК ВА КАМОЛОТ МУСОБАҚАЛАРИ

УНИВЕРСИАДА — 2016

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бу борада, «Кичик олимпиада» деб аталаётган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари бўлажак спортчилар учун ўзига хос пиллапоё вазифасини ўтамоқда.

Мазкур спорт ўйинлари ўтказиладиган бўён то шу кунга қадар уларда юз мингдан ортиқ йигит-қизлар қатнашди. Юзга яқин спортчилар эса мусобақалар давомида тобланиб, ватанимиз шарафини халқаро аренаalarda муносиб ҳимоя қилиш даражасига етишди. Жумладан, Ришод Собиров, Анзур Исмоилов, Элшод Расулов, Нигина Абдураимова, Нафиса Мўминова, Рустам Умаров, Руслан Нуриддинов,

Светлана Радзивил, Раъно Омонова, Азиза Мамажоновна, Бектемир Мелиқўзиев каби атлетларимизни уч босқичли спорт мусобақаларининг кашфиётлари десак муболаға бўлмайди.

Айниқса, тизимнинг юқори босқичи — Универсиада ёшларимиз учун том маънода чиниқиб ва камолот мактабига айланиб, ушбу йилнинг 2000 йилда Наманган шаҳрида ўтказилган. Унда беллашувлар спортнинг 9 та тури бўйича

ташқил этилган бўлса, бутунги кунга келиб спорт турлари 15 тага етди. Булар баскетбол, волейбол, эркин кураш, юнон-рум кураши, дзю-до, таэквондо, енгил атлетика, оғир атлетика, теннис, стол теннис, футбол, гандбол, шахмат, сузиш ва бокс. Мазкур спорт турлари ёш олимпиада ўйинлари дастурига мансуб экани эътиборлидир. Бундан қўзланган мақсад аён. Юртимизда кучли олимпиячиларни тайёрлашди.


8

ЭЪТИРОФ

УСТЮРТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ўзбекистоннинг истиқболи — Қорақалпоғистоннинг истиқболи, Қорақалпоғистоннинг истиқболи — Ўзбекистоннинг истиқболи, десак, хато бўлмайди. Бу ҳақиқат барчамиз учун раҳнамо бўлиши даркор.

Ислам КАРИМОВ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йилнинг 20 сентябрида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган олий даражадаги ялпи мажлисида «Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг ат-

рофиди гуманитар ҳалоқат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалоқатли таъсири қандай энг муҳим вазифа ҳисобланади», дедилар. Шунинг

алоҳида қайд қилиш керакки, бу кенг миқёсда, тобора сайёравий аҳамият касб этиб бораётган долзарб вазифа биринчи навбатда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг диққат марказида турибди. БМТ Бош Котиби Пан Ги Муннинг 2010 йилнинг баҳорида Мўйноқ мавзисини даъво қилиш, денгиз акваторияси, бу ерда юзга келган экологик вазият билан атроф-муҳитга таъсири, мавжуд аҳолининг юмшатишга доир мақбул таъсирларни илгари сургани, Нукусда оммавий ахборот воситалари учун брифинг бергани, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини Оролбўйи минтақаси учун тобора ҳаёт-мамот масаласига айланиб бораётган бу муҳим муаммага қаратгани алоҳида эътирофга лойиқ. Жаҳоннинг ўнлаб олимлари, сиёсатчилари, жамоат арбоблари муҳтарам Президентимизнинг Мингйиллик саммитда илгари сурган ҳаётбахш тақдирларини қизгин қўллаб-қувватлади. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2008 йилнинг октяб-рида Оролни қутқариш халқаро жамғармасига БМТ Бош Ассамблеясида қузатувчи мақоми берилди. Буларнинг барчаси Орол муаммосини ҳал қилишда амалий қадамларга йўл очди.

2

Хурматли муштарийлар,

2016 йилнинг келгуси ойлари учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat" да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.

"HURRIYAT" GAZETASI
СИЗНИНГ ДОИМИЙ
ҲАМРОҲИНГИЗ
БЎЛИШГА
ИШОНАМИЗ!



ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛЛАРИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

СОЛИҚ ПОЧТАСИДАН

Асосий иш ҳақлари пластик карточкалар орқали берилаётгани туфайли аҳолининг терминаллarga бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилган хизматлар ва сотилаётган товарлар учун пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилиш энг қулай ҳисоб-китоб воситасига айланди.

Республика бюджетини шакллантириш, солиқ тўловчиларнинг сонини ошириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш солиқ идораларининг муҳим вазифаси саналади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда тadbirkorларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, солиқ соҳасида содир этилаётган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги ҳақида тушунтиришлар олиб борилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган

ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори банк пластик карточкаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарорга кўра Тошкент шаҳридаги барча хўжалик юритувчи субъектларга тўлов терминаллари ўрнатилмоқда. Терминаллардан белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда фойдаланиб савдо фаолиятини ташқил этилиши юзасидан Тошкент шаҳар давлат солиқ органлари томони-

дан белгиланган тартибда мунтазам равишда назорат ва ўрганиш ишлари олиб боришмоқда.

Мазкур йўналишда жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида пойтахтимизда фаолият юритаётган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ўтказилган қисқа муддатли назорат тadbirkorларида 800 дан ортиқ тadbirkorнинг назорат-касса машинаси, тўлов терминалларида ва квитанциялардан фойдаланмасдан, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмасдан фаолият юритаётгани аниқланди.

Албатта, ушбу қонунбузарлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилди. Аммо бизни бир савол ўйлантиради: нега ҳануз бундай ҳолатлар юз берапти? Масалан, юртдошларимиз тўлов терминаллари ўрнатилган бўлишига қарамай, айрим "тadbirkor"ларнинг турли баҳоналари рўқач қилиб, уларни ишлатмасликлари каби ҳолатлар юзасидан ўринли шикоят қилишади.

2

УСТЮРТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

«Бошланиши I-бетда»

Давлатимиз раҳбари 1999 йилнинг 2 декабрида Нукусда сайловчилар вакиллари билан учрашганларида бу ҳақда шундай деган эдилар: «Мен бундан ўн йил муқаддам — 1989 йили янги сайланган республика раҳбари сифатида Мўйноққа борган эдим. Орол фожiasi оқибатида рўй берган оғир экологик ҳолатга қарамасдан, туғилган ерига меҳри туфайли шу заминда сабот билан яшаётган Мўйноқ халқининг ҳаёти билан атрафлича таънишдим. Ушанда «Шу одамларнинг оғирини енгил қилсам, армоним қолмас эди!» деган фикрни кўнгилмага туғиб қўйган эдим. Вазиятни чуқур ўрганиб, одамлар билан суҳбатлашиб, бу аҳволдан чиқиш йўллари маҳаллий халқ билан муҳокама қилдик. Бу гапларга гувоҳ бўлган овул оқсоқоли мен Мўйноқдан кетгач, овулдошларига: «Ҳойнаҳой, бу одам қорақалпоқ бўлса керак!» деган экан. Бу гапни менга ҳурматли академикимиз Собир Камолов айтиб берган эди. Мен буни эшитиб, оддий бир инсон сифатида хурсанд бўлиб, муҳтарам олимимизга жавоб қайтарган эдим. Шу жавобни сиз — азиярлар ҳозир яна такрорламоқчиман: «Агар қорақалпоқлар мени «қорақалпоғим» деса, ўзимни гоёта бахтли одам, деб билман!».

Президентимиз 1991 йилнинг 2 декабрида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Устюрт ва Мўйноқ, Тебінбулоқ ва Султонувайс мавзёлари қазилма бойликлари ўзлаштириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берган эди. Дарвоқе, Тебінбулоқда темир ва вермикулит, Ўғрисойда рангли металллар, Қоратовда оҳақтош захираси мўл. Айнан шу оҳақтош захираси билан Устюрт платосидаги беҳисоб ош тузи ҳисобига жаҳон металлургия, шиша саноати, бошқа қатор тармоқларнинг энг «тансиқ нони» калыийли сода ишлаб чиқариш мумкинлигидан келиб чиқиб, Юртбошимиз гоёси, таклифи ва бевосита бошчилигида Кўнгирот сода заводи қурилди. У Ўзбекистоннинг энг истиқболли давлатлар билан ҳамкорлиги самараси бўлди. Хусусан, сода заводи қурилишини Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда аяқлади. Маълумки, ХХР жаҳонда калыийли сода ишлаб чиқаришда етакчи ўринлардан бирида туради. Кўнгирот гиганти қурилишини аяқлаш ва мон-тажда Хитой Халқ Республикасининг «СИТИК» компанияси 35 миллион АҚШ доллари миқдорига ишларни бажариб, энг мақбул муддатларда корхонани фойдаланишга топширди. 2007 йилнинг 18 май кунини давлатимиз раҳбари Устюрт заминидан, Элободда бўлиб, Кўнгирот сода заводининг ишлаб чиқариш, технологик жараёни билан аяқидан танишди, корхона ахли, жамоатчилик вакиллари билан самимий мулоқот ўтказди. Утган йиллар ичида улкан корхона мамлакат кимё саноатида ўз нуфузига, бетакрор улушига эга бўлди.

Чорак аср давомида ушанда давлатимиз раҳбари белгилаб берган бу муҳим вазифаларнинг асосий қисми тўла-тўқис амалга оширилганини мамнуният билан қайд қилиш керак. «Навоий — Тинчлик — Учқудуқ — Мискин — Нукус» янги темир йўли, Кўнгирот сода заводи, «Ориент технология», «Вайт машин технология» қўшма корхоналари, «Мискин — Тошсоқ» темир йўли ва автомобиль, «Беруний — Урганч», «Нукус — Хўжайли» дарё кўприклари, «Кўнгирот — Бейнеу» қўшма корхона автомагистрали, Тошкент педиатрия тиббиёт, Тошкент стоматология, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент аграр университети, Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиаллари, И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг янги биноси, қатор янги корхоналар ва 2015 йилнинг октябридан маҳсулот бера бошлаган Устюрт газ-кимё мажмуаси фикримизнинг ёрқин далилидир.

Жаҳон кимё саноати солномасида янги саҳифа очган бу корхона Ўзбекистон — Жанубий Корея ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мевасидир. 2011 йилнинг 24 августидан Президент Ислам Каримовнинг таклифига биноан мамлакатимизга давлат таширифи билан келган Корея Республикаси Президенти давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама фойдали стратегик шериклик борасида яна бир муҳим қадам қўйилганини эълон қилган эди. Яъни уша қутлуғ кунда юртимизнинг иқтисодий устунлигидан бирига айланиб бораётган мавзеда мам-



га намоиш этилди. Кейинчалик ҳамкор давлат раҳбарининг 2014 йил июнь ойида Ўзбекистонга келиши, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил май ойида Корея Республикасига бориши бу муносабатлари янада юқори босқичга кўтарди. Мазкур мамлакатнинг «Хюндай», «Самсунг», «LG», «GM — Корея», Корея газ корпорацияси, «Лотте Кемикал», «Корсан Эйр», «Шингдонг», «Колон» каби етакчи компаниялари бу йўналишда фаоллик кўрсатмоқда. Корея Республикасининг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган тўғридан-тўғри инвестициялари 7 миллиард доллардан ошгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

Президент Ислам Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Анни қабул қилганида Сурғил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишининг аяқланиши ва унинг ишта туширилиши мустақил мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа

«Trade Finance Magazine» ва «Global Trade Review» нашрлари «2012 йилнинг энг яхши битими», «Infrastructure Journal» эса «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» деб топди. Умумий қиймати 4 миллиард долларлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

— Мен бир оддий қорақалпоқ йигити ушбу гигант мажмуани бунёд этишга ўз улушимни қўшганим ва бу ерда ишлаётганимдан ўта бахтиёрман, — дейди Устюрт газ-кимё мажмуаси полиэтилен ишлаб чиқариш цехи смена бошлиғи Мурат Хўжамуратов. — 2013 йили Тошкент кимё технологиялари институти битирдим. Давлатимиз раҳбарининг ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, малакали кадрлар тайёрлашга қаратаётган доимий эътибор ва ғамхўрлиги бизга қанот бағишлайди. Мажмуамиз мамлакат нефть-газ ва кимё саноатини янада юксалтиришга хизмат қилади. У энг замонавий технологияли линиялар, энг сўнгги русумдаги илгор ускуналар билан таъминланган. Биз, навқирон авлодга билдирилган ишончнинг самараси ишимиз, сифатли, рақобатбардор маҳсулотимиз билан оқтаймиз!

Жамоада асосан ёшлар ишлайди. Улар сафини касб-хунар коллежларининг 300 нафардан ортиқ малакали битирувчилари тўлдиргани ҳам эътирофга лойиқдир. Устюрт газ-кимё мажмуасининг рақобатбардор маҳсулоти аллақачон жаҳон бозоридан ўз харидорларини топти. Чунки 2015 йилнинг қуздан буён 54,9 минг тоннадан зиёд султирилган углеводород газ, 34 минг тоннадан ортиқ газ конденсати ишлаб чиқарилиди. Магистрал газ қувурларида 1,8 миллиард куб метрдан ортиқ этан газ, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти энергия тизимига 87,5 минг мегаваттдан зиёд электр энергияси етказиб берилди. Айни пайтда пиролиз дистилляти Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида бензин тайёрлаш учун юборилмоқда. Полиэтилен ва полипропилен қатор хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Шу кунга қадар қарийб 150 миллион долларлик 186 минг тоннадан ортиқ полиэтилен ва полипропилен Марказий ва Шарқий Осиё, МДХ ва Европа мамлакатларига жўнатилади. 2020 йилга бориб полиэтилен ишлаб чиқариш ҳажми 4,1 баробар ошиши кутилмоқда. Бу ерда ишчи-хизматчилар, муҳандиз-техник ходимларнинг муносиб турмуш кечириши, тўлақонли фаолият олиб бориши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё. Хулоса қилиб айтганда, Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатимиз истиқболли янада порлоқ бўлишига беминнат хизмат қилади!

Янгибой ҚўҚОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист

ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛЛАРИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

«Бошланиши I-бетда»

Савдо ёки хизмат кўрсатиш объектларининг мана шундай соҳибларига, шунингдек, ўз ҳақ-хуқуқларини қатъийроқ талаб қилишлари учун фуқароларимизга эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддасига биноан, фискал хотиринализорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий эканлиги белгиланган бўлиб, Агарда уларни ишлатмасдан савдонини амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш ҳолатлари юзата келса, шунингдек, сотиб олувчига чеклар ёки уларга тенлаштирилган бошқа ҳужжатларни бермаслик ҳамда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик ҳолатлари аниқланса, энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда энг кам иш ҳақининг 75 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бундан ташқари, техник талабларга жавоб бермайдиган ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланиш, хусусан, пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик ҳолатлари энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Хулоса қилиб айтганда, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этиб фаолият кўрсатиш республикамиз бюджетига маблағларнинг ўз вақтида тушишига ҳамда халқимиз фаровонлиги ошишига мустақам замин яратилади.

Ю.НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар давлат
солиқ бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК — ЗАМОН ТАЛАБИ

» ҲУҚУҚИЙ ОНГ ЮКСАКЛИГИ — КОМИЛЛИК КАФОЛАТИ

Кучли фуқаролик жамияти сари интилаётган мамлакатимизда ҳар бир ўзбек фарзандига ҳуқуқий онг, фуқаролик позицияси, фуқаровий фаоллик сув ва ҳаводек зарур. Ватанини асраш ҳар биримизнинг бурчимиз, унга муносиб фарзанд бўлиш эса энг олий саодатдир. Дунёқароши кенг, ватанпарвар, ҳуқуқий саводхон инсонгина бундай саодатга эришиши мумкин.

«Hurriyat» газетаси тахририяти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг «Ҳуқуқий онг юксаклиги — комиллик кафолати» лойиҳасини амалга ошириб келади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги тадбир Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валюталарга оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар Яккасарой туман бўлими катта инспекторлари Музаффар Обидов ва Бунёд Маҳмудов, Ўзбекистон Ёзув-



чилар уюшмаси аъзоси, шоир Абдулмажид Азимов, лицейнинг энг фаол ёшлари, ўқитувчилар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Юртимизда таълим-тарбия олиш учун барча шароит яра-

ёхуд шуурларни уйғотайлик

тилган. Аҳолининг турмуш даражаси юқори. Қад ростлаётган янги биналар, ташкил қилинган ётган аҳоли дам олиш масканлари, замонавий таълим муассасалари бу имкониятни янада кенгайтирмоқда. Инсонпарварлик, миллий истиқлол гоёсининг устуворлиги жонажон юртимизнинг порлоқ келажагидан далolatдир.

Мулкдорлик тушунчаси ҳам бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Хоҳ-

тарзда берилмоқда. Бу эса аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланишига пойдевор бўлаётди.

Она ва бола саломатлигига эътиборли бўлиш, кексаларни эътизоллаш, қимматли фарзанд тарбияси қабилар ҳаётимизда устуворлик касб этаётди. Қурулми кучларимиз сафидаги ватанпарвар ёшларнинг юртимиз тинчлиги йўлида кўрсатаётган жасоратлари таҳсинга сазовор.

Мамлакатимиз, халқимиз бугун жаҳон саҳнасида ўзи талланган йўл — «Ўзбек модели» билан танилди. Ҳар жабҳада олиб борилаётган ислохотлар натижа-си бунга намоён этиб турибди. Юртимиздаги оёсийишталлик, бунёдкорлик ва яратувчанликни бошқа давлатлардаги аҳвол билан таққослаганда, қалбимизни шукроналик ҳисси эгаллайди. Ер юзиде қайноқ нуқталар, деяр аталаётган Сурия, Ироқ, Афғонистон каби мамлакатлар ҳақида гап кетганда беихтиёр очлик, қашшоқлик, турли юқумли касалликлар (улат, зико, эбола каби)дан азият чекаётган, урушлардан чарчаган аҳоли гавдаланади. Бу давлатларда яшовчи инсонларнинг айби нима,

улар нима учун қийналиб яшаш керак, деган савол ҳар қандай мулоҳазали инсонни қийнаш табиий. Тадбир давомида намоиш этилган «Тинчлик — олий неъмат» номли ҳужжатли фильм орқали иштирокчи ёшлар ушбу саволларга жавоб топди.

Намоиш этилган фильмда касалликдан, очликдан азият чекаётган инсонларни, қўзғала-да фақат дард, алам муҳассам бўлган болаларни, фарзандини очликдан асраб қолиш учун оғир меҳнат билан банд, қўллари

қабариб, юзлари қорайиб кетган аёлларни кўрдим, — дейди лицей ўқувчиси Оятулла Тошпўлатов. — Ҳақиқатдан ҳам биз жаннатмонанд юрда яшаймиз. Ўқиймиз, илм ўрганишимиз, яшашимиз учун яратилаётган имкониятларга, билдирилган ишончга муносиб бўлишимиз кераклигига яна бир бор амин бўлдим.

Давлат занжирга ўхшайди. Унинг таркибидеги ҳар бир ҳаққа ўта муҳим. Масалан, солиқ тизимини олайлик. Фуқаролар ўзи тўлаган солиқларини икки баравар қилиб қайтиб оладилар. Аммо негизда баъзилар учун бу оғирлик қилади. Айрим тадбиркорлар давлатдан даромадини яширишга, қамроқ солиқ тўлашга ҳаракат қиладилар. Қаллоб-ликлар натижасида давлат бюджетига пугур етади ва иқтисодий ривожланиш сусая бошлайди. Биргина инсоннинг қалтис иши қўлларини азият чекишига сабаб бўлиши мумкин. Давлатда иқтисодий барқарорлик бўлмас, ҳеч қандай ривожланиш ҳам, ўсиш ҳам бўлмайди. Барча ёзувчиликларнинг онаси илмсизликдир. Моддий жиҳатдан ўзини-ўзи таъминлай олмаётган давлат, табиийки, маънавий муҳитини, таълим-тарбия ишларини яхшилашга қўриб етмайди. Натижада дунёқароши тор, ким нима деса индамай эргашиб кетаверадиган авлод шаклланади. Бундай авлоднинг онгидеги бўшлиқни ҳар қандай бузғунчи гоё билан тўлдириб бўлмайди. Диний экстремизм, терроризм тарафдорларининг мақсади ҳам шундай ёшларни топиш ва уларни осонгина ўзига бўйсундириш. Бу эса юрт та-



назулга учраши билан тенг. Тадбирда таъкидланган бундай фикр-мулоҳазалар ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда дастуриламал бўлди, десак муболага бўлмайди.

— Мен бу тадбир давомида фуқаролик бурчи, масъулиятини, деган саволларга жавоб топдим, — дейди лицей ўқувчиси Нодира Қайомжонова. — Ҳар биримиз ватан тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшимиз керак. Бунинг учун ҳуқуқий саводхонликка эга бўлишимиз лозим. Бугун солиқни ўз вақтида тўлаш борасидаги берилган маълумотлар бу тизимни тушунишимизга асос бўлди.

Дарҳақиқат, ёшларда шу юртга, шу халққа дахлдорлик ҳиссини шакллантириш энг долзарб масалалардан бири. Инсон қачонки ўзини нимагадир алоқадор деб билса, у ҳақида ўйлай бошлайди, қайғуради.

Жамоатчилик назорати сусти-лиги, «Бўлаётган ишларга менинг умуман алоқам йўқ, Мен аралашсам ҳам, аралашмасам ҳам шу аҳвол. Ҳамма ўз билганича яшасин», қабилда фикр юритаётганларнинг қўпчилиги бугун жамиятда турли қабиҳ-ликларга, коррупция ва жино-

ятчиликка йўл қўйилляпти. Буларнинг олдини олишнинг биргина йўли — шуурларни уйғотиш.

— Жамиятда бўлаётган ҳар бир воқеага мамлакат манфаатларидан келиб чиқиб муносабат билдира оладиган фуқарони ўз позициясига эга инсон дейишимиз мумкин, — дейди Бунёд Маҳмудов. — Ўз тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, кузатилаётган қўнғунбузарлик ҳолатларининг аксариятига саводхонлик, қонун-қоидалар билмаслик сабаб бўлмоқда. Ташкил қилинаётган мана шундай тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Тадбир сўнгидеги лицейнинг энг фаол ёшларига диплом — «Hurriyat» газетасига бепул бир йиллик обуна, эсдалик учун китоблар топширилди.

Келажақ эгалари бўлган ёшларнинг дунёқарошини кенгайтириш, ҳуқуқий билимларини мустақамлашни мақсад қилган бундай тадбирлар ўз натижасини кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Шоҳсанам КОМИЛОВА,
«Hurriyat» мухбири



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант маблағлари асосида chop этилмоқда.

ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ БОР

► МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

Яратган ато этган бебаҳо неъмат — тинчлик, хотиржамлик, осоишталик барқарорлиги таъминланган юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан ўзгаришлар, бекиёс бунёдкорликларнинг гувоҳи бўласиз. Мустақиллик йилларида қад ростлаган маҳобатли иморатлар, равои йўлу кўприклар, серфайз боғу ҳибонлар, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган тураржойлар, замонавий маҳаллалар вужудимизга қувват бериб, руҳимизни кўтарди.

Баҳорнинг илк кунларидан бирида рафиқам, қизим, келиним ҳамда невараларим билан муқаддас қадимжоларни зиёрат қилишни ихтиёр этдик.

Дарвоқе, бизгача ҳам кўпчилик гўзал пойтахтимизнинг нақ биқинидаги Зангиота зиёратгоҳида бўлгандир. Агар бормаганлар бўлса, албатта, бир қадим ранжида қилсин. Замондошларимиз сай-ҳаракати билан у ерда амалга оширилган ишларни кўриб, лол қоласиз. Зиёратгоҳ йўл ва йўлакларни ҳошиясидиги ял-ял товланган турфа гуллару ҳузурбахш майсалардан баҳра olasiz.

Гапнинг сираси Зангиота зиёратгоҳига бўлган ижобий эътибор бугунгичалик юксак даражада бўлмаган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз бунёд эттирган бу муқаддас қадимжолар 1930 йилда ёпиб қўйилди. Орадан 15 йил ўтиб, у расман қайта очилган бўлсада, 1946 йилда яна ёпилиб, зиёратгоҳ атеистик музейга айлантирилди. Кейинчалик эса бу ерда кўзи охирилган ётоқхонаси ва устаконалар фаолият кўрсатган.

Бугун ушбу табаррук даргоҳга наинки Марказий Осиё, балки муслмон оламининг кўплай мамлакатларидан зиёратчилар тўғривисиз келиб турибди. Мажмуа атрофи ободонлаштирилиб, тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, 2014–2015 йилларда бевосита давлатимиз раҳбари сай-ҳаракати билан зиёратгоҳда кенг қўламли бунёдкорлик ва тиклаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, кўз қувонадиган даражага келтирилди.

Муқаддас қадимжолдан тенгсиз руҳий қувват олиб чиққач, “Бектемир — Ғазалкент” йўлининг ўнг тарафидида Ийк ота зиёратгоҳига йўл олдик. Манзилга элтувчи чоғроққина кўча бўйига экилган арчалар шу даражада тароватбахш, беихтиёр вужудимизга янада қувват инди.

Бу муқаддас даргоҳнинг ҳам ўзига хос тарихий бор. Манбаларда қайд этилишича, ўн беш-йигирма метр тепаликда жойлашган Ийк ота сағанаси X-XI асрларда қурилган. Бунинг мустақиллик шарофати билан муқаддас қадимжоларни, овул ва қишлоқлардаги қабристонларни тозалаб-тартибга келтиришдек хайрли ҳаракатлар қанот ёза бошлаган 1992 йилнинг баҳорида топилган узунлиги 75, эни 15-16 сантиметр келадиган

ган тош юзидида битиклар ва 1299 йил деган ёзувдан ҳам англаш мумкин.

Истиқлол йилларида Ийк ота зиёратгоҳи саховатли юртдошларимиз ҳаракати билан яна зиёратчиларнинг чинакам руҳий қувват оладиган муқаддас гўшаларидан бирига айлантирилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги каби амалга оширилаётган туб ислохотлардан баҳраманд бўлган Юқори Чирчиқ тумани ҳақида ҳам фахрланиб тилга оладиган жиҳатлар талайгина.

Вақтида не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосили келакнинг нархидан ҳам арзон баҳоларда олиб кетилган гўзанинг қадри инсон тақдиринан афзалроқ тугилиб, йилига 32000 тоннадан ортиқ “оқ олтин” хирмони уюлган бу масканда пахта майдони истиқлолнинг илк давларида тенг ярмига қисқартирилди. Ғаллачилик раванқи йўлида вилоят бўйича намуна бўлишга ярагулик мактаб яратилди. Мана шундай эзгу ишларнинг юртимиз бўйлаб кенг қўлоқ ёйиши оқибатида миллий озодлигимиз эълон қилинган онларда бор-йўғи бир ҳафталик дон захирасига эга бўлган Ватанимиз қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришиб, мана бир неча йилдирки, ризқ-рўзимизнинг асосий манбаи ҳисобланган бу муътабар маҳсулотни хорижликларга экспорт қилиш имконияти пайдо бўлди.

Қувончлиси шундаки, туманда 2010–2015 йилларда мамлакат иқтисодиётининг асосий локомотивига айланган саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, саноат улушида маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг муттасил ортиб боришига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида ҳусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида туманда 2010 йилда 68 та уй-жойлар қурилган бўлса, 2015 йилнинг ўзида бу кўрсаткич 275 тани ташкил этиб, шу кунгача 926 та замон талабларига мос уйлар барпо этилди. Шунингдек, сўнгги йилларда бу ердаги мавжуд 40 та умумий ўрта таълим мактаби ҳамда 9 та мактабгача таълим муассасалари давлат маблағлари ҳисобидан тўлиқ мукаммал таъмирланиб, 20-, 29-умумталим



мактаблари янги замонавий спорт залларига эга бўлган бўлса, 2- ва 27-умумий ўрта таълим мактаблари кўш қаватли қилиб янгидан барпо этилди. 2013 йилда туман марказида мамлакат газнаси ҳисобидан сарфланган 2,5 миллиард сўм маблағ эвазига барча қулайликларга эга бўлган туман болалар мусиқа ва санъат мактаби қад ростлаган бўлса, айни пайтда давлатнинг 3,5 миллиард сўм пули сарфланаётган ёпиқ сузиш ҳавзасига эга спорт мажмуаси қурилиши ниҳоясига етказилди.

Туманда инсон саломатлиги муҳофазасини кучайтириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жойларда барча қулайликлар мавжуд бўлган, ҳатто бемор қон таҳтидан бошлаб, онанинг ву-

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2010–2015 йилларда умумий узунлиги 50 километрга тенг ичимлик суви қувурлари тортилган бўлса, шу муддат ичида туманда 46 километр ички йўللарга асфальт ётқизибли, 35 километр янги газ тармоқлари тортилди. Туман мудоффа ишлари бўлими учун бунёд этилган янги қақирув пункти қурилишига ҳам салкам 1 миллиард сўм маблағ сарфланди. Замонга мос шаҳарсозлик талабларига кўра туман қиёфаси, айниқса, Янгитўзори кўрғони кун сайин ўзгариб бормоқда. Жумладан, 2015 йилда қурилиб ишга туширилган ФХДЭ ва муҳдорлик идоралари ҳамда қатор тадбиркорлик субъектларининг осмонўпар иншоотлари, янгидан барпо этилаётган “Янгитўзори” истироҳат боғи фикримизга ёрқин далил бўла олади.

— Мен, шу юртда туғилиб, вояга етдим, — дейди саксон ёшли меҳнат фахрийси Равшан ота Икромов. — Эсимни танганимдан бошлаб эл хизматида бўлдим. Тумандан бирон-бир талбир йўқки, ҳокимият раҳбарлари биз сингари фахрийларни қақиртирмаган ёки янги ишни бошлашдан олдин маслаҳат сўрамаган бўлса. Бунга минг шукрлар айтиб, амалга оширилаётган ишлардан, туғилиб-ўсган юртим чиройининг кундан-кунга ўзгариб, фаровонлашиб бораётганидан чексиз қувонаман. Кўпчилик яхши билади, туманимиздаги ободонлаштириш ишларининг дебочаси 2011 йил апрель ойининг иккинчи ярмида Жумабозор қишлоғида бошланиб, атиги 18–20 кеча-кундуз ичида маҳалла марказининг қиёфаси тубдан ўзгаририлган. Ушанда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини нишонлашни шу қишлоқ марказига ўрнатилган Мотамсаро Она ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйишдан бошлаган тумандошларимиз қисқа муддат ичида қилинган бу ободончиликни кўриб қойил қолишган ва унинг бунёдкорлари ҳаракатига тасаннолар айтишганди.

Орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмасдан эзгуликка йўғрилган бу сай-ҳаракат туманимиз маркази — Янгитўзори кўрғонига кўчди.



жудиди ривож топаётган ҳомиланинг юрак уришини аниқ эшитиб, ҳолатини аниқлаш имкониятигача эга бўлган 18 та қишлоқ шифокорлик пунктлари ишлаб турибди. Бундан ташқари, 2011 йилнинг баҳорида бошланиб, бор-йўғи бир йил ичида давлатнинг 2,3 миллиард сўм маблағи эвазига 50 ўринли замонавий турғуқ мажмуаси ишга туширилди. 2014 йилда туман марказий шифокорасининг мукаммал таъмирлаш учун давлатнинг 3,8 миллиард сўм маблағи сарфланди.

Фуқаролар мурожаатлари доимий эътиборда

► ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳар қандай демократик давлатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам инсон, унинг шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият даражасига кўтарилган.



Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизни ислоқ қилиш ва демократлаштириш жараёни изчил тус олгани, юртимиз фуқароларининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани ҳаммаимизни мамнун этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли органларга, муассасаларга ёки ҳалқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқишли шарт”, деб қайд этилган.

Ушбу ҳуқуқ таъминлашининг самарали механизмининг яратилиш мақсадида “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди.

Лекин вақт ўтиши билан амалиётда юридик шахсларнинг, тадбиркорлар ва турли ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда тартибга солиниши лозим бўлган масалалар мавжудлиги кўриниб қолди. Масалан, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўлиқни тўлдириб; ушбу соҳадаги қонунбузилишлар учун жавобгарлиқни белгилаш; фуқароларнинг давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаатлар тартибини янада такомиллаштириш каби...

Сўнгги йилларда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ва бошқа шу каби қонунлар талабларига асосида ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, ҳалқ билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар қилинди. Хусусан, 2014 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожа-

атлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Авалги қонунга кўра, мурожаатлар озаки ёки ёзма шаклда берилган бўлса, янги қонун 4-моддасида мурожаатлар озаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкинлиги белгиланди. Бу эса “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилдаги “Республикада қозғони тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ижросини таъминлашнинг яна бир йўли демаски. Бундан ташқари, ушбу қонунда жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини, улар кўриб чиқилганига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш йўли билан қайтариб олиш ҳуқуқи белгиланди.

Қонун талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органларида “Ишонч телефонлари” орқали мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқишининг янги тартиби жорий қилинди. Бу ИИВнинг “Ички ишлар органлари-

да “Ишонч телефонлари” орқали мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруқлари асосида амалга оширилмоқда.

“Ишонч телефонлари” орқали фуқароларнинг мурожаатлари қабул қилиниши жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларига ҳамроҳан бўлиб, улар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Биринчи вице-президенти, Адлия вазирлиги ва бошқа давлат идора ҳамда ташкилотларида ишлаб турибди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар бевосита ҳуқуқий таъсир этиш чораларини қўллаш ваколатига эгадирлар. Бунинг натижасида уларда ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш хавфи пайдо бўлади. Бундай ҳолат демократияга нисбатан реал хавфни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, ушбу органлар фаолиятини назорат қилиб туриш механизми талаб этилади.

Сирожиiddин БЕРДИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги
академияси 4-курс
тинловчиси

Соҳамиз турфа, мақсадимиз муштарак

► МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётида, инсонлар онгу тафаккурини шакллантиришда ғоятда катта аҳамияти борлиги бугун инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида газета, журнал, телевидение ҳамда радионинг ўрни бекиёс.

Бугун мамлакатимизда ҳуқуқий соҳага ихтисослашган юзга яқин оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Телеканалларда мазкур мавзуда махсус кўрсатувларнинг мунтазам эфирга узатиб келинаётгани, информацион дастурларда инсон ҳуқуқлари ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида ёндашуving мавжудлиги, айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, сай-ҳаракатлар ва тадбирлар ҳақида мунтазам ахборотлар бериб берилаётгани соҳада амалга оширилаётган ишлар самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ички ишлар органларининг ОАВ билан ҳамкорлигини шартли равишда иккига: ўзаро ахборот алмашиш ҳамда фаолият доир муайян чора-тадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалга ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашда намоён бўладиган амалий ҳамкорликка ажратиб мумкин.

Лот — 1. Вобкент туманидаги «Чармгарон» МФЙга қарашли Галаба кўчасида 2-сон давлат нотариал идораси биноси қурилиши.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —

347 659 940 сўм (ҚҚС билан), 289 716 620 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш муддати — 90 кун.

Лот — 2. Бухоро шаҳрида жойлашган Бухоро шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси биносини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —

589 586 220 сўм (ҚҚС билан), 491 321 850 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш муддати — 90 кун.

Лот — 3. Бухоро туманида жойлашган Бухоро туман давлат нотариал идораси биносини мукаммал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати —

228 501 750 сўм (ҚҚС билан), 190 418 120 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш муддати — 90 кун.

Қурилиш ишлари: Бухоро вилояти Адлия бошқармасининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси: Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти Адлия бошқармаси.

Манзили: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 28-уй.

Телефон: (0-365) 223-21-20, факс: 223-78-51.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмет қийматининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техник малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўник-

маларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2137-сонли Қарорига мувофиқ, Қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қўнун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озода қилинадиган товарлар(ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-97-51, 223-96-29.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчиси тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Таклифлар(оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй.

Изоҳ: Таклифлар (оферталар) очилишининг аниқ кунини ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ” МЧЖ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ танлов савдоси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

ЛОТ — 1

ЛОТ-1.1. Фарғона вилояти Бешариқ тумани Шоллиқобод мавзесидаги Ватан ҚФЙ ҳудудидидаги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши.

Бошланғич нархи:

171 828 379 сўм ҚҚС билан; 143 190 316 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1.2. Фарғона вилояти Бувайда тумани Қўнғирот ҚФЙ Деҳқонобод қишлоғидидаги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши.

Бошланғич нархи:

380 083 381 сўм ҚҚС билан; 316 736 151 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1.3. Фарғона вилояти Данғара тумани Чинобод ҚФЙ Чинобод-2 мавзеси ҳудудидидаги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши.

Бошланғич нархи:

243 327 518 сўм ҚҚС билан; 202 772 932 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1.4. Фарғона вилояти Кува тумани Намуна ҚФЙ Мингчинор мавзеси ҳудудидидаги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши.

Бошланғич нархи:

222 052 518 сўм ҚҚС билан; 185 043 765 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1.5. Фарғона вилояти Қўштепа тумани Сармазор ҚФЙ Баландмасжид мавзеси ҳудудидидаги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши.

Бошланғич нархи:

152 948 527 сўм ҚҚС билан; 127 457 106 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1.6. Фарғона вилояти Риштон тумани Оқ-ер ҚФЙ Хожиқишлоқ мавзеси ҳудудидидаги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши.

Бошланғич нархи:

214 796 771 сўм ҚҚС билан; 178 997 309 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1.7. Фарғона вилояти Сўх тумани Соҳибкор ҚФЙ Тул қишлоғи ҳудудидидаги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши.

Бошланғич нархи:

187 412 860 сўм ҚҚС билан; 156 177 383 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1.8. Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Заркент ҚФЙ Бешқўрғон мавзеси ҳудудидидаги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши.

Бошланғич нархи:

188 263 949 сўм ҚҚС билан; 156 886 624 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1.9. Фарғона вилояти Учқўприк тумани Сарикқўрғон ҚФЙ Муллазор мавзеси ҳудудидидаги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши.

Бошланғич нархи:

190 619 636 сўм ҚҚС билан; 158 849 697 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1.10. Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Ҳаётбод ҚФЙ Ҳаётбод мавзеси ҳудудидидаги намунавий уй-жойлар учун автомобил йўли қурилиши.

Бошланғич нархи:

332 787 446 сўм ҚҚС билан; 277 322 872 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ — 2

ЛОТ-2.1. Фарғона вилояти Фарғона тумани Чекшўра ҚФЙ И

Холида ФАЙЗИЕВА

УЛКАН ЭҲТИРОМ ИФОДАЛАРИ

ТЕРАН ИЛДИЗЛАР

Одамзоднинг ҳаёти кўп қизиқ: сиртдан қарасанг, у тушунарсиз тасодиқлардан иборатдай. Синчиклаб назар ташланса, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида қатъий интизом, аниқ ҳисоб-китоб ва адолат борлиги сезилади. Бу интизом ва адолат одам қандай яшаса, шундай тақдирга эга бўлишида намоён бўлади: ўзи учунгина яшаган одамнинг умри ўзи билан тугайди; бошқалар билан бирга ва улар учун ҳаёт кечирган эотнинг умри ўзидан кейин ҳам давом этаверади.



вақили сифатида Н. Фозилдан ушбу асар юзасидан фикр айтишни сўрашди. Оралдан кўп ўтмай, "Gulxan"нинг бош муҳаррири оғамиздан хат олади. Т. Адашбоев ўша хат матнини келтирди: "Муҳтарам бош муҳаррир! Мендан бухоролик ёш ёзувчи Вали Бобомуродовнинг "Ўзбекистондаги ҳаёт" китобини кўриб берганимизни илтимос қилган эдингиз. Мен мақулу қиссани ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. ...Ўқингизда бўлса, бундан бир неча ой муқаддам ўзимнинг "Шум боланинг набиралари" номли қиссасини редакцияга тақдим этганим. Журналингиз ижодий ҳодимлари уни ўқиб, маъқуллаган эдилар. "Gulxan" журналининг ҳажми бир йилда икки-учта қисса эълон қилиш имкониятига эга эмас. Мен Вали Бобомуродовнинг бу асарини мамнуният билан тахрир қилиб, Сизларга ажнатаямман. Иккони бўлса, менинг қиссам ўрнига ёш дўстимизнинг мақулу асарини бошиларингизни илтимос қиламан. Носир Фозил". Баъзан бир одамни билиш учун бир умр етмайди, баъзан биргина хатти-ҳаракат одам шахсиятига хос асосий қириларини нурлатириб юборади. Нотаниш ёш ёзувчининг асарини ўқиб, тахрир қилиб, бошига тавсия этиб, булар ҳам камдай, ўз асари ўрнига чиқаришларини сўрашдай валомағлиқ қилиш учун одам қанчалик бағрикенг бўлиши кераклиги кишини ўйга толдиради.

Таниқли қорақалпоқ ёзувчиси Муродбой Низанов "Бизларни Носир оғамиз қашф этди" мақоласида ҳеч ким танимайдиган ёш ёзувчи Сайловбой Жумагулов билан ўзига Носир Фозилро қанчалар меҳр кўрсатганини тасвирлаб, деганларини тубанлагича хулосалайди: "Яхшилик қилиб, шундан ўзи завоқлашиб, болаларча қувонадиган одамни биринчи кўришим. Носир ака бу икки ёш ёзувчининг китобини чиқаришда югур-югур талаб қилдиган юмушни бўйнига олганини шундай эслайди: "Муштум кутубхонаси" сериясида устоз Саид Аҳмаднинг сўзбошии билан икковимизнинг китобларимиз чоп этилди. Биз у редакцияга бораганимиз ҳам йўқ, китоб бўлмасини топширишни ҳам, режаса

киртишни ҳам, сурат чиздиришни ҳам — ҳамма-ҳаммасини Носир оғамнинг ўзи бажарган, биз фақат китобимиз чиққанидан кейин билганмиз, ҳоло". Ўзига алоқаси йўқ бунча ишни қилиш учун Н. Фозилро қанча вақт, куч ва асаб сарфлаганини китоб чиқарганлар тасаввур қилади. Улкан меҳр билан қилинган шу каби чин икорлар қаҳрамонимиздаги одамийлик мартабасининг нечоғли юксак эканини кўрсатишга хизмат қилади.

Ушбу китобга кирган кўпчилик мақолаларда Носир Фозилро табиатидаги ўзига хос топқирлиги тилга олинган. Майда манфаатларга ўралашиб қолмаган, маънавий қулайликлардан юқори тура билдиган эркин руҳли одамларнинг тили узун, сўзлари кескир, фикрлар чакмоқдай бўлади. Халқ орасида эскидан: "Бош кесмоқ — бор, тил кесмоқ — йўқ", — деган мақол юрди. Унда тўғри гапга тўсиқ йўқлиги акс этади. Ҳар қандай сўз, нутқ моддийлашган фикрлар. Сўзнинг ўзига хослиги фикрнинг бетакорлигидан келиб чиқади. Носир ака қўлларига бўйсунмай, эркин фикрлагани сабаб гоёт топқир киши сифатида ном қозongan.

Қозоқ профессори Қулбек Эргубек "Меҳрибон оғам" битигида устознинг эзгулиги ҳақда топқирлигига гоёт тасвири бир мисол келтирди. Қозоқ ёзувчиси Собит Муқонов ўлими муносабати билан уюштирилган йиғинда Н.Фозилро сўзлаган нутқини хотирлаб эслайди: "Собит Муқоновнинг вафоти ҳақидаги шундай хабарни эшитиш биланок Носир оғамиз Фағур Ғуломнинг қабрига борагани, улуғ шоира дўстининг вафот этганини айтиб, қозоқ дўстининг қабрига бир ҳовуч тупроқ олиб кетиш учун ижозат сўрагани ҳақида оқшарларни ларзага келтирувчи сўзларни айтганида, йиғламаган одам қолмади. Халтага солинган тупроқни ўғли Арслон олиб, отасининг бошига қўйди. Шунда ўзга республикалардан келган делегацияларнинг аъзолари: "Эаттане, бунақа қилиш нега бизнинг эсимизга келмади экан-а", деб афсусланиб қолишди. Ҳақиқатдан ҳам бошқа республикалар адибларининг қўлидан келмайдиган мардлик эди-да, бу. Қўлидан келмади деганим — биринчидан, уларда қиёматлик дўст санарлик Фағур Ғуломдай шоир йўқ, иккинчидан, дафтанан мана шундай йўл топа оладиган Носир Фозилродай зейрак адиблари йўқ эди уларнинг".

Бу сўзларда ўзбек ва қозоқнинг икки буюк санъаткори орасидаги муштаҳкам дўстлик иллари билан бирга шу яқинлиқни таъсирли йўсинда юзага чиқара олган Носир оғамнинг топқирлиги алоҳида таъкидланган.

Йирик ҳажвчи Неймат Аминов мақоласида Н. Фозилронинг дастхат ёзиш борасидаги топқирлигига тўхталади. Ғабит Мусреповнинг "Қозоқ солдати" романини таржима қилиб, чиқарган оғамиз устозига: "Ўзбек адабиётининг генерали Абдулла Қаҳҳорга! "Қозоқ солдати"ни ағдариб ташлаган ўзбек адабиёти солдати Носир Фозилродан!" деб ёзилган дастхатли китоб беради. Икки гапдан иборат бу битикда А.Қаҳҳорнинг миллий адабиётдаги макъеи ва таржимоннинг унга эҳтироми, шунингдек, аслида "Қозоқ солдати" асарини таржима қилган маъносидан "Қозоқ солдати"ни ағдариб ташлаган" бирикмасидан келиб чиқадиган сўз ўйини, булардан ташқари, таржимоннинг ўзини камтарлик билан "Ўзбек адабиёти солдати" деб аташидан пайдо бўладиган қулгу Носир аканинг қанчалик топқирлигини аниқлашчи далиллардир.

Н.Аминов қорақалпоқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмоновнинг "Чангалзор пайғамбарининг сирини" деган китобини Носир ака таржима қилганини, таржима китоб бўлиб чиққан, қувониб кетган Ўрозбой ўз китобида дастхат ёзиб берган деб Носир акани ҳолжонига қўймагани ва устоз кўп ўйлаб ўтирмай, "Қорақалпоқнинг Ўроз ёзувчисига ўзбекнинг ҳўроз таржимонидан" деб ёзиб берганини тасвирлар экан, оғамиздаги беқисс ҳўрозжавоблик ва топқирлигини таъкидлайди.

Китобдаги бир қатор битикларда Носир Фозилронинг ёзувчилик маҳорати намоён бўлган жиҳатларга эътибор қаратилган. Жумладан, машҳур қозоқ ёзувчиси Абдулла Тожиев, адабиётшунос олим, академик Раҳмонқул Бердибековлар қаламига мансуб "Дўстлик элчиси" мақоласида Носир оғамнинг "Устозлар даврасида" китобига: "Ғанини донгалини айтсак, бир талай хотираларни ўқиганимиз, ўзимиз ҳам ёзганимиз. Бироқ, уларнинг бирортаси Носир битегачилик ишонли чиқмаган. Муаллиф ким тўғрисида ёзмаган, ҳолис ва оқилик билан ёндашиб, забардаст қалам аҳлларининг ички дунёсини, қувонч ҳамда изтиробларини рўйроқ оқиб беради" тарзида юқори баҳо беради. Кейинчалик шу китобнинг қайта ишлаб тўлдирилган нашрига Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилгани бу қарашларнинг асосли эканига далиллардир.

Улуғ ёзувчи Одил Ёқубов мақоласида: "Носир Фозилро бадий ижодининг энг қийин "сирларидан" бири — битта-иккита ибора билан манзара яратиб олиш сирини билади", — деган тезисни илгари сурлади-да, ўз фикрини адиб асаридан келтирилган мана бу гўзал

парча орқали исботлайди: "Қуёш тикка кўтарилиб қолган. Жавзо. Қўланкаларимиз иссиққа дош беролмагандай борган сари бағримизга тиқилади... Эшаклар арава изи ўйиб ташлаган чўқур йўлда сап-сарик мой тупроқни бир маромда тап-туп босиб, ялқовгина қадам ташлайди. Йўл четидидаги шувуқ ва янтоқларнинг чанган ранги билимайди, саратонда сарғайиб занг босган симдай қовжираб қолган..." Буюк ёзувчи асардаги энг таъсирчан, Носир Фозилронинг ёзувчилик истеъдоди яққол бўй кўрсатган ўринни беҳато топган. Чиндан ҳам бу гўзал парчадаги ҳар бир тафсил(детал)нинг ўз вази-фаси бўлиб, тасвирнинг жонли, қабарик ва ҳаётли чиқишига хизмат қилган.

"Меҳрингизни туйиб яшадим" китобидан ўрин олган бир қатор битикларда Носир Фозилронинг қардош, бовурдош адиблар ва адабиётларини бир-бирига яқинлаштириш борасидаги хизматлари қайд этилган. Абдулла Тожиев билан Раҳмонқул Бердибековларнинг мақоласида Носир аканинг қозоқ ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш борасидаги ишларига у: "...қон-қардош қозоқ ва ўзбек халқларининг азалий дўстлигини қизиқарли ҳикоялар орқали оддий китобчидаги ўзбекнинг ҳўроз таржимонидан" деб ёзиб берганини тасвирлар экан, оғамиздаги беқисс ҳўрозжавоблик ва топқирлигини таъкидлайди.

Китобдаги бир қатор битикларда Носир Фозилронинг ёзувчилик маҳорати намоён бўлган жиҳатларга эътибор қаратилган. Жумладан, машҳур қозоқ ёзувчиси Абдулла Тожиев, адабиётшунос олим, академик Раҳмонқул Бердибековлар қаламига мансуб "Дўстлик элчиси" мақоласида Носир оғамнинг "Устозлар даврасида" китобига: "Ғанини донгалини айтсак, бир талай хотираларни ўқиганимиз, ўзимиз ҳам ёзганимиз. Бироқ, уларнинг бирортаси Носир битегачилик ишонли чиқмаган. Муаллиф ким тўғрисида ёзмаган, ҳолис ва оқилик билан ёндашиб, забардаст қалам аҳлларининг ички дунёсини, қувонч ҳамда изтиробларини рўйроқ оқиб беради" тарзида юқори баҳо беради. Кейинчалик шу китобнинг қайта ишлаб тўлдирилган нашрига Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилгани бу қарашларнинг асосли эканига далиллардир.

Улуғ ёзувчи Одил Ёқубов мақоласида: "Носир Фозилро бадий ижодининг энг қийин "сирларидан" бири — битта-иккита ибора билан манзара яратиб олиш сирини билади", — деган тезисни илгари сурлади-да, ўз фикрини адиб асаридан келтирилган мана бу гўзал

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Одатда эртақлар бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда деб бошланади. Болажонлар уни мириқиб ўқиб, олам-олам завқ олишади. Мен эса бугун катталар учун эртақ ёздим. У сиз билан биз яшаб турган замонда Самеҳ ака деган паҳлавон бор экан, деб бошланади. Бу паҳлавон нима каромат кўрсатган экан, деб қизиқиб қолдингиз, шундайми? Унда воқеалар ривожини диққат билан кузатиб боринг.

ЧУМОЛИ ВА БОЛАРИ



Пойтахтимизнинг кундан-кунга чирой очиб бораётган Сергели туманининг Ҳабийов ва Ўзгариш маҳаллалари оралиғида кенг сайхонлик бор эди. Бир пайтлар катта қурилишларнинг чиқиндилари ўша жойга ташлангани боис чиқиндигоҳа айлانган эди. Бел баробар ёввойи ўтлар қўқлам чоғи қўм-қўқ бўлиб қўзни қувнатса, саратонда сарғайиб, қўнгилсиз манзара касб этарди. Узоқ йиллардан бери қаровсиз ётган бу сайхонлик борган сари афтода ҳолга тушиб борарди.

Адашмасам, 2014 йилнинг ўрталари эди. Бир кун сайхонликда бошини оқ чорси билан боғлаган, қотмадан келган бир киши пайдо бўлди. У қўлидаги кетмонни билан бир чеккадан тушиб ерни ёввойи ўтлардан тозалай бошлади. Аниқ эсимда, ўша кун сайхонликда ёввойи ўтлар тўпланган иккита катта гарам пайдо бўлди. Уч-тўрт кун ўтгач, у ерда яна беш-олти киши ишлаётганига қўзим тушди. Боланимизда бобом бизга "Ернинг жони бор, нафас олади. Қузда ағдариб қўйиб, аввал баҳорда яна бир белласанг, унга жон қиради. Шундан кейин уруғ эксанг, сўраганидан ҳам кўп ҳосил беради" деган гапни кўп бора тақдорлардир. Назаримда, бу одамларнинг ҳаракати билан ташландиқ ернинг юзи очилиб нафас олаётган экан. Мен гоҳо нимагадир улар бир кун жонига тегиб бу қора меҳнатни ташлаб кетали, деб ўйлардим. Йўқ, ундай бўлмади. Кунлар ўтгани сайин бир пайтлар ваҳимали қўрнинг жой чирой очиб борарди. Бу орада хизмат сафарлари, ўзим билан бўлиб у томонга бошқа ўтолмадим. Яқинда ўша томонга йўлим тушиб, бир ҳайратимга ўн ҳайрат қўшилди. Бир текис жўя тортилиб, қатор қилиб экилган турли мева ва манзарали дарахтлар қўзни қувонтирди. Боғнинг бир четиди мўъжазгина қўчма вагонча турарди. Унинг атрофида экълан райхону атиргуллар ифори бутун мавзени тутгандай эди гўё. Юқорида айтиб ўтганим Самеҳ ака билан ҳам яқиндан танишдим. Ҳар кишининг ҳам юраги дов бермайдиган бундай катта ишга қандай журят этгани билан қизиқдим. Ерни қадрлайдиган инсонлар билан деҳқончилик ҳақида гурунг қилсанг, қўлфи дили очилиб кетди.

— Ўзим кўп қаватли ўйла турман, — дея ҳикоясини бошлади Самеҳ ака. — Бир пайтлар жамоа ҳўжалиғида ишлаганман. Шаҳарда яшай бошлаганимда ҳам ернинг ҳумори сира қўймади. Уйимиз йўлаги оллидаги қафлкел ора ишлов бериб, турфа қўчатлар, гуллар экиб парварийлаш бошладим. Эрталдан кечгача кўп вақтим ўша ерда ўтарди. Маҳалламиз раиси Хусниддин Бегматов ҳар тал уйимиз оллидан ўтаётган чоғи "Хорманг, деҳқон" дея оққилилаб қўяди. Бир кун раис, келинг, бироз пиёда юриб оёқларинг чигилини ёзмайсиз, деб мана шу ерга олиб келди. Ҳаммаёқни ёввойи ўт бостан, қараб бўлмасди.

— Ака, сизнинг қўлингиз ул, меҳнатдан қочмайсиз. Шу ерни обод қилишга бир уриниб кўрмайсизми? Хўжатларини расмийлаштиришга ўзим ёрдам берман. Обод бўлиб қолса маҳалламиз чиройи янада очиларди, — деди раис менга ишонч билан.

Юратим жиз этди. Шунча ер бекор ётганига ачинаиб кетдим. Мен бир аёлим билан масалаҳатлашиб қўрай, дедим иккилангандай. Уйга келасолиб, Дилбархонга бу таклифни айтдим. У ҳам сиз нима десангиз шу, мен ёнингизда бўлман, деди. Унинг далдаси менга қанот бағишлагандай бўлди.

Бутун ойда бир тектарлик майдонни тозалашга киришдик. Бу ердан олиб чиқилган машина-машина чиқиндиларни санаб саноқдан алашдим. Гоҳо шу ишга бекор киришдик, ҳалиям кеч эмас, ташлаб кетсаммикан, деган ҳаёлга ҳам бораман. Аммо чумоликдек тиним билмай ишлаётган аёлим, фарзандларини Собиржон, Султонбой, Дилшола, Гулсҳра ва Манзураҳонларни кўриб қучимга куч қўшилгандек бўлади. Халқимизда «Кўз қўрқоқ, қўл ботир» деган нақл бекорга айтилмаган экан. Ҳўзир мингдан зиёб манзарали ва мевали дарахтларим гурқираб ўсапти. Гўж-гўж ҳосилга кирган олхўраиларим невараларим каби ўзим ҳам томоша қилиб чарчамайман. Юртимизда ўсалиган мева ва дарахтларнинг барчасидан экканман. Шу атрофда истикомат қиладиган Исмоилжон, Ғайратжон ва Ботиржон каби қўшнилариمنى ҳам алоҳида таъкидлагим келади. Улар дам олиш кунини бу ерга қиқиб ёрдамларини ашмайди. Айнақча, набираларимнинг боғимизга талпинганларини кўриб ўзим ҳам қувониб кетаман.

Самеҳ ака билан узоқ гурунглашдик. Боғни айланиб, эгитларлаги поллиз маҳсулотларини томоша қилдим. Ер яшанб кетганди. Чумоли каби меҳнат қилган инсонларни болари каби бил йиғалдиган пайтлари келяпти. Ер эса тўйиб-тўйиб нафас оляпти. Унинг нафасидан олам гулларга бурканаётганини кўриб қўзларим қувнайди.

Юсуф ФАЙЗУЛЛО

Туманимизда китоб дўкони тезроқ очилсайди...

ГАЗЕТХОН МАКТУБИ

Газета ва журналлар ҳаётим мазмунига айланиб қолган. Ўқувчилик йилларимда уйимизга "Gulxan", "Yoshlik", "Saodat" журналлари, "O'zbekiston adabiyoti va san'ati" газетаси мунтазам келиб турар, уларнинг ҳар бир сонини худди азиз инсонимизни кутгандек интиқиб кутардик.



Бир кун одамдагидек дам олиш кунларининг бирида ўн бир ёшли ўғлим билан бозорга тушдик. Рўзгор учун зарур нарсаларни харид қилдик. Аммо ўғлимнинг нимаданкир кўнгли тўлмаётган эди. Сабабини сўрадим. — Онамжон, уйимизда китобимиз кўп, лекин болаларга аталгани кам, нега менга бозордан китоб олиб бермадингиз? — деди. Ўйлаб кўрсам, ўзим яхши кўриб ўқийдиган ва фарзандларимга ҳам тавсия қилган кўп китобларим катталарга бағишланган, болалар ўз вақтида ўзларига мос асарларни кўпроқ ўқиши керак экан. — Вой, менинг китобсевар болажоним-ей, — дея бўйларим

қўзилиб қолган ўғлимнинг пешонасидан ўтди. — Сенга албатта ўзинг севган китоблардан олиб бераман, фақат оғина сабр қилгин, хўлми?..

Унга "Ўғлим, афсуски, бизнинг туманимизда китоб дўконлари йўқ" деб айтмадим. Кўп ўтмай, Қўқонга бориб, у ердан эртақ китоблар, болалар шоир ва адиблари асарларидан олиб келдим. Болаларим шодлигини тасвирлаб бера олмадим.

Эшитишимча, яқин вақтлар ичида республикамизнинг ҳар бир туманида китоб дўконлари очилар экан. Қанийди, бу тезроқ амалга ошса. Китобхонлик янада кенроқ тарқалиб, биз, ота-оналар ўз туманимиздаги китоб дўконларига фарзандларимизни жон деб етаклаб борар эдик.

Дилноза ТОХИРОВА, Бешарик туманидаги 12-мактаб ўқувчиси

Ўзим ҳам унча-мунча шеър ва ҳикоялар машқ қилиб, уларни наирларга юбориб турардим. Кечаидек эсимда, бундан йиллар муқаддам "Gulxan" журналида "Сочи қириққан қизча" сарлавхали шеърим босилиб чиққан эди. Ўша кезларда мен дунёдаги энг бахтиёр қиз эдим. Йиллар кўп нарсани ўзгартириб юборар экан. Аммо

инсоннинг болалиғида қалбига муҳрланган туйғулар асло ўзгармас экан. Бугун онаман, ун нафар фарзандим бор. Матбуотга, газетга ва журналларга қизиқишим ҳали ҳам ўша-ўша. "Hittiyat", "Kitob dunyosi", "Ma'rifat" — бугун мен энг севган газеталар. Уларнинг ҳар бир сонини иложи борича қолдирмасдан ўқиб боришга ҳаракат қиламан. Болаларимни "Gulxan" ва "Tong yulduzi"га обуна қилдим.

ГҶЗАМЛИК ЖИЛОСИ

РАССОМ ИЖОДХОНАСИДА

Мирзаҷўлн гулистонга айлантиришни Фарҳоднинг тоғни тешиб сув чиқаришига менгзаш мумкин. Бу жасорат метин иродали, танти ва меҳнаткаш халқимизга хосдир. Халол меҳнат билан кун кечирган оилаларда туғилган болалар ҳам аксариати истеъдодли, тўғриси, танти инсонлар бўлиб улғаяди.

мусликий, драматик, комедия ёхуд эртақ спектакллари ҳам бетакор бўёқларда, юксак дид билан макет ва эскизларини ишлаб бадий безовчи, либослар танловчи, сахналаштирувчи расом ҳамдир. У ilk бор 1991 йил О.Хўшев номидаги Сирдарё вилоят мусликий драма театрида бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан сахналаштирилган "Адолат кунин" ("Ибрат-

даги тарих музейининг Ўзбекистон бўлимига "Тоғда куз" асари қўйилган.

2006 йилда Нидерландия ва Францияда шахсий кўргазмалари ташкил этилди. Белгия, Германия ва Польшадаги кўргазмаларда бир қанча машҳур расомлар қаторидан туриб иштирок этишга муваффақ бўлди. 2008 йилда келиб Франция, Корё ва Хитой давлатларида шахсий кўргазмалари ўтказилди. 2009 йилда эса Қозғистон, Россия ва Малайзияда ўтказилган кўргазмаларда қатнашишга мушарраф бўлди.


Аноркул Бойбеков ҳаётида 2007 йил янада эса қоларли бўлди. Шу йили у давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбек санъати ва маданиятини, боқий қадриятларини жаҳонга танитишда, муносиб тарғиб қилишда қўшган ҳиссаси учун "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

Мусликий ҳар сафар Сирдарё бўйига, Хумсон, Оқтош, Зомин сингари диёримизнинг гўзал гўшаларига ошиқар экан, дилига янги-янги режалар ва ниятларни туғиб отланади. Янги асарларнинг режасини тузди. Сафар якунида оппоқ қоғозларда турлича хомаки чизилар, бошқалар учун сирли бўлган қораломалар, бош-ламоқчи бўлган янги ижод намуналари билан қайтди.

Айни пайтда А.Бойбеков Бадий ижодкорлар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлимининг раиси. 2015 йил у Италиянинг Губбио шаҳрида бўлиб ўтган "Италия — Ўзбекистон" фестивалида муваффақиятли иштирок этди. Ва шу йили апрель ойида Ўзбекистон Бадий академияси томонидан аънавий тарзда ўтказилувчи "Тасвирий санъат ҳафталиги"да Сирдарё вилояти Бадий ижодкорлар уюшмасининг фаолияти юксак баҳоланиб академиянинг олтин медалига сазовор бўлди.


Инсон Ватанга муҳаббатини изҳор этмоқчи бўлса, аввало, унга меҳр бериши керак. Ижодкор эса ана шу ҳис-туғғунни бадийликка йўғириб, гўзаллик яратди. Худди шу гўзаллик Аноркул Бойбеков ижодида ёрқин бўёқларда жило таратиб туради. Бу мавжлар денгиз мавжлари сингари абалдийдир. Зеро, биз ана шу жилдан завқ олиб яшаймиз.

Бекмурод АБДУРАИМОВ



"Сирдарёнинг очилмаган сирлари" асарлар туркумига кирувчи "Хўжанд", "Эржар", "Метин кийик", "Чиноз", "Сайхун", "Қолган сир" ҳамда "Ойимгў-қай кечуви" яъни "Етти кечув" тўплами қадимги Сирдарё кечуварлари — кўприкларини ҳақида. Ушбу туркум асарларни томоша қилган киши Сирдарё тарихининг янги саҳифаларини ва-рақлагандай бўлади.

Мусликий нафақат манзара, портрет, натюрмортлар чизувчи, балки ранг-баранг жанрлардаги



хорижий давлатларнинг кўргазма залларидан ҳам жой олган. "Тонг", "Шом", "Ойдин кеча" ҳамда "Зомин тоғида байрам" сингари ўн бешта асари Лондонда, "Хаёл оғушида", "Ўтмиш" ҳамда "Куз гулдастаси" каби ўттизта асари Япониядаги кўргазмаларда мунтазам намойиш этилмоқда. Малайзияда ўтказилувчи ёш расомлар кўргазмасига эса унинг ота юрти Зомин ҳақидаги "Қишлоғимда тўй" асари, Ҳиндистон-



ФАРҶОНАДА ЁШЛИК ВА КАМОЛОТ МУСОБАҚАЛАРИ

«Бонланиши 1-бетла

Эртага Фарғона шаҳрида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Универсиада — 2016" мусобақаларининг финал босқичига старт берилди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар терма жамоалари қураш-чиришади. Жорий йилги мусобақаларда жами 1068 нафар спортчи совриндорлар шохсупасидан жой олиш учун майлонга чиқади.

Еттинчи маротаба ўтказилаётган талабалар ўртасидаги мусобақа том маънода гўзаллик ва спорт байрамига айланиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, Фарғона вилоятида ёшлик ва камолот байрамини юқори савияда ўтказиш учун кенг қўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, Фарғона олимпия заҳиралари коллежи худудларида қайта реконструкция ишлари бажарилди. Мусобақалар ўтказиладиган спорт объектилари жаҳон талаблари асосида таъмирланиб, жиҳозланди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январдаги "2011—2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Фарғонада янги "Истиқлол" стадиони жаҳон андозлари даражасида қурилиб фойдаланишга топширилди. Ўз бағрига 20 минг томошабинни сиғдира оладиган мазкур ўйингоҳда мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказилди. Фарғона давлат университетида 3 200 ўринли футбол майдони, ёпиқ сузиш ҳавзаси, учта волейбол майдони ва енгил атлетика йўлақлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳарда 12 та спорт иншооти атлетларни қабул қилишга шай.

Спортчилар ва меҳмонларнинг яшashi, овқатланиши ва мазмуни дам олиши учун қулай шaroитлар яратилди. Жумладан, спортчилар яшashi учун Фарғона давлат университети ва Политехника институтининг талабалар турар жойи биноларида кенг қўламли пардозлаш ишлари амалга оширилди. Бу ерга

қадам ранжида қилган киши уларнинг замонавий меҳмонхоналардан кам эмаслигига амин бўлади.

— Вилот марказида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари — водий гавҳари чиройига янада чирой қўшган, — дейди фарғоналик юртдошимиз Нўмонжон Умаров. — Хиёбон ва кўчаларда гулзорлар ташкил этилди. Бу гулзорлар киши кайфиятига ўзгача шуқу бахш этади. Фарғона, Маърифат, Мурабийлар марказий кўчалари замонавий архитектура талаблари асосида таъмирланди. Қарийб 5 километр йўл реконструкция қилинди. Барча кўчаларга Универсиада, спорт, ёшликни тарғиб этувчи паннолар, шiorлар ўрнатилди. Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлар бундай ўзгаришлардан жуда хурсанд. Айниқса, биз ёшларнинг қувончимиз чексиз. Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол, миллий истиқлол гоиларига салоқат руҳида тарбиялаш бўйича самарали ишлар қилинди. Универсиада мусобақалари ҳам ёшларда ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Гўзал Фарғонамиз спорт ареналари барча спортчиларга омад келтиришини тилаймиз. Бу ерда ўтказган ҳар бир кунингиз бутун умр хотирингизда қолишига ишонаман.

Универсиада машғаласи бутун Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган, Марказий Осиёда ўқшashi йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар академияси "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тантанали ёқилди. Машғала Тошкент, Наманган, Андижон вилоятлари оралғидаги 364,5 километр масофани босиб ўтиб Фарғона шаҳрига кириб боради. Жойларда Универсиада машғаласини кузатиш маросимларида кенг жамоатчилик иштирок этиши қўзда тутилган.

Фарғонада бошланган Универсиада мусобақалари спортчиларимизнинг келгусидаги юқори мақсадларга етишишда муҳим босқич бўлиши, шубҳасиз.

Жобир ХўЖАКУЛОВ,
«Hurriyat» мухбири



МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган энг йирик микро-молиявий ташкилотлардан бири — "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки фаолиятининг ilk кунлариданоқ юртимизнинг олис туманлари ва қишлоқларидаги ёшларни, айниқса, хотин-қизларни соҳага кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг бу борадаги билим ва малакаларини оширишга алоҳида эътибор қўрсатиб келмоқда.

"МИКРОКРЕДИТБАНК" САРМОЯЛАРИ — ТАДБИРКОРЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА



2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг тadbirkorлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши соҳа ривожини янада катта имтиёз ва қулайликлар яратди.

Банкнинг тadbirkorларга кам фонзли микрокредитлар ажратаётгани кўпчилигининг

эътирофига сазовор бўлмоқда. Жумладан, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларига бошлангич сармояларни шакллантириш учун имтиёзли фойзалар тadbirkorлик субъектларига тақдим этилмоқда. Шунингдек, бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларини тўлириш учун ажратилган микрокредитлар ҳамда корхоналарни замонавий техника билан жиҳоз-

лаш учун қўрсатилаётган микро-лизинг хизматлари учун ҳам имтиёзли микрокредитлар тақдир этилмоқда. Бу эса тadbirkorларнинг ўз бизнес фаолиятларини йўлга қўйиб, келгусида оёққа туриб кетишига янада қулайлик яратиб берилмоқда, деганидир.

Бу галги тadbirkor ҳам асосий эътибор аҳоли фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлигини

янада ривожлантириш, пировардида бандлик масаласини ҳал қилишга қаратилди. Келгусида бу борада белгиланган режа асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларининг меҳнат ресурслари юқори бўлган худудларида шундай семинарларни ўтказиш қўзда тутилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра банк томонидан касб-хунар коллежларини биттирган ёшларга 20,3 миллиард сўмдан зиёд микро-сармоялар ажратилган бўлса, 2887 нафар тadbirkor аёлни қўллаб-қувватлашга 37,7 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Ушбу рақамларни биргина банкнинг Сирдарё вилоят филиали фаолияти мисолида таҳлил қилдиган бўлсак, ёш тadbirkorларга ажратилган микро-сармоялар ҳажми 1,5 миллиард сўмни, аёллар тadbirkorлик фаолияти учун йўналтирилган кредитлар миқдори эса 1,9 миллиард сўмни ташкил этди.

Мафтуна Абдувоҳидова,

касб-хунар коллежи талабаси: — Ҳозирги кунда юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор миқёси шунчалик кенги, тенгдошларимнинг барчаси бу имкониятлардан самарали

фойдаланмоқда. Бу жуда қувонарли ҳол, албатта. Бу борада Юртбошимизнинг "Таълим муассасалари битирувчиларини тadbirkorлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори биз каби ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқишида дастурамала бўлмоқда. Айни кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлигини ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш, айниқса, касб-хунар коллежларини битираётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, бандлик масаласини ҳал қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилаётгани биз ёшларни гоятда қувонтиради. Коллежда ўқиб давомийда хунар сирларини пухта ўргандим. Яратилган имтиёزلардан фойдаланиб, тadbirkor сифатида ёшимга бир неча тенгдошларимни олиб, маҳалламизда гўзаллик салони очилиши режалаштириб юрардим. Мазкур семинар тadbirkorлик фаолиятини бошлашга бўлган ишончнинг янада мустаҳкамлади.

Фахриддин РАХИМОВ

Xizmatlar litsenziyalangan

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва оператор Фахриддин Раҳимов томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: Элмурод Нишоннов
"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда
Адади: 4250 Буюртма — S-6026 1 2 3 4 5

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.


Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88

Тел-факс: (0-371) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91

Самарқанд: (0-366) 233-62-12

Тошпириш вақти — 20⁰⁰ Тошпирилди — 20⁰⁰



Индекс: якка обончилар ва ташкилотлар учун — 233

HURRIYAT

Mustaqil gazeta



Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси